

6. Гаибназарова З.Т. Развитие человеческого капитала для расширения возможностей трудоустройства в Узбекистане // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2016. № 4 (24). С. 57-63.

7. Гаибназарова З.Т. Совершенствование системы высшего образования - основной фактор формирования человеческого капитала // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2017. № 3 (27). С. 72-78.

8. Гаибназарова З.Т. Управление персоналом и инновациями в Узбекистане: проблемы трансфера технологий // Научно-практический журнал Социально-трудовые исследования. 2018. №4 (33). С. 113-119.

9. Гаибназарова З.Т. Повышение качества образования в вузах Узбекистана: опыт Ташкентского государственного технического университета // Научно-аналитический журнал Наука и практика Российского экономического университета им. Г.В. Плеханова. 2018. № 3 (31). С. 90-98.

Д.М. Бойдадаев, Ф.А. Исмоилова, илмий рахбари Р.И.Эгамбердиев
Узбекистан
feruzagmba@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАМКОРЛИГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МИСОЛИДА

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида Олий Таълим муносабатларига эътибор ва бу иттифоқнинг мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида аҳамияти тасниф этилган. Бундан ташқари, Олий Таълим муассасалари ушбу икки давлат мисолида қиёсий ўрганилиб таҳлил этилган ва иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омил сифатида қўшма ҳамкорликдаги Олий даргоҳлар ташкил этилишининг самараси борасида айрим қиёсий мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: олий таълим муассасалари, иқтисодий ўсиш, қўшма ҳамкорлик, ялпи ички маҳсулот, филиал, Меморандум

Аннотация. Эта статья посвящена отношениям между высшим образованием в Узбекистане и Южной Корее и подчеркивает важность этого союза в экономическом развитии нашей страны. Кроме того, высшие учебные заведения были сравнительно изучены в этих двух странах, и были сделаны некоторые сравнительные замечания по поводу эффективности совместного высшего образования как фактора, способствующего экономическому росту.

Ключевые слова: высшие учебные заведения, экономический рост, сотрудничество, валовой внутренний продукт, отрасль, меморандум.

Сўнгги йилларда юртимизда рўй бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар, аниқроғи ривожланишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бевосита амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари натижаси экани барчага маълум. Жумладан таълим тизимидаги бир қатор ислохотлар, хусусан Олий Таълим тизимида рўй бераётган кескин бурилишлар кўпчилик фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг узоқ йиллик орзуларини рўёбга чиқишига сабаб бўлмоқда. Президентимизнинг бир қатор хорижий олий таълим муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўяётгани ҳамда юртимизда уларнинг филиаллари очилишига имконият яратилаётгани бунга яққол мисол бўла олади. Маълумки, бундан 10-15 йиллар аввал чет элга бориб бакалавр ёки

магистратура босқичида таълим олиш ёки хорижий Олий Таълим муассасаси филиалида таълим олиш унчалик ҳам осон эмас эди. Бугунги кунга келиб бундай имконият мавжуд эканлиги Ўзбекистон республикаси фуқароларининг янда сифатли таълим олиши ва ўз навбатида янада малакали мутахассисларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Бунинг учун дунёнинг бир қатор ривожланган давлатлари билан ҳамкорликнинг кундан кунга мустаҳкамланиб бориши барчани бирдек қувонтиради, албатта. Айнан шундай ҳамкор давлатлардан бири Жанубий Корея бўлиб, давлатларимиз ўртасидаги бу борадаги дастлабки муҳим муносабатлар Президентимизнинг 2017-йил 22-24-ноябр кунлари ушбу давлатга ташрифлари пайтида амалга оширилди. Икки давлат ўртасида бизнес форум борасида уюштирилган ушбу ташриф пайтида Тошкент шаҳрида Ёзу Техника Университети филиали очилиши борасида Меморандум имзоланди. Имзоланган Меморандумга, асосан, 2018 йил 24 июлда Тошкент шаҳридаги Ёзу техника институти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспексияси томонидан тақдим этилган давлат литсензиясига кўра, Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим хизматларини кўрсатувчи муассаса мақомига эга бўлди.


Пойтахтимиздаги Ёзу техника институти Ўзбекистондаги биринчи хусусий ОТМ сифатида 2018-2019 о'қув йили ўз фаолиятини бошлади. Таълим муассасасида талабаларга архитектура ва шаҳарсозлик, қурилиш, муқобил энергия, бизнесни бошқариш, туризм каби йўналишларда таълим берилади. Тошкент шаҳридаги Ёзу техника институти умумий ўрта таълим муассасаси, касб-ҳунар коллеж, академик литсей ўқувчиларини таълим муассасасига кириш учун тайёрлов курсларини ташкил этган. Тайёрлов курсида абитуриентлар инглиз тили, математика, физика каби қатор фанлар бўйича ўқитилади [1].

2019-2020 ўқув йилидан эса яна икки нафар Корея Университетлари Тошкент шаҳрида (Аджу ва Пучон Университетлари), Ангренда Кукмин Университети, Фарғонада Корея Халқаро Университети (КИУФ) ўз фаолиятини бошлаши, дастлабки мавжуд бўлган Ин Ҳа Университети филиали билан биргаликда жами филиаллар сонини бтага етказди. Бундан кўриниб турибдики, талабалар жaxon стандартларига мос кадрлар бўлиб етишишлари учун тулиқ имконият юртимизда мавжуд. Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, ана шундай етук мутахассисларга эга бўлган юртда фақат олдинга силжишга ишониш мумкин.

Ҳамкорликнинг кейинг босқичлари 2019-йил 18-апрелда Корея президенти Мун Жае-Иннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида имзоланган Меморандум билан давом эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Инноватсион ривожланиш вазирлиги ва Корея Республикасининг Кичик ва ўрта бизнес ва стартаплар вазирлиги ўртасида англашув меморандуми имзоланди. Ушбу учрашув Ўзбекистон Республикаси Инноватсион ривожланиш вазирлигида ташкилланган бўлиб, Жанубий Кореянинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш вазирлиги делегатсияси иштирокида бўлиб ўтди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ўрнатиш ва чуқурлаштиришнинг қатор истиқболли ёъналишлари муҳокама қилинди. Хусусан, томонлар Ўзбекистоннинг 2030 йилга қадар глобал инноватсион индекс рейтингига биноан илғор Корея тажрибасига асосланган стартап экотизимини ишлаб чиқиш орқали дунёнинг 50 та етакчи давлатига қўшилиш режасини муҳокама қилдилар. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, Корея Республикаси глобал инноватсион индекс рейтингига Япония, Италия ва Финляндия каби давлатлардан сўнг, 12-ўринда туради. Шуни таъкидлаш керакки, Блоомберг Инноватион Индекс номли Халқаро рўйхатда Корея Республикаси илмий-тадқиқот ишлари, олий маълумот ва патент фаолияти даражаси бўйича етакчи ҳисобланади. Бу эса ушбу давлатнинг мамлакатимизга келгуси 10йиллик йўл харитасини тузишда йўлчи юлдуз бўла олишини тўлақонли кафолатлайди.

Ўзаро англашув меморандумига кўра бир қатор бошқа соҳалар билан биргаликда фан ва таълимни ривожлантириш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш баробарида бандлар имзоланди. Қўшимча қилиш мумкинки, Кореянинг 20дан ортиқ Олийгоҳларининг дунёнинг энг яхши 1000та Олий Таълим Муассасалари рўйхатидан ўрин олганлиги бу каби Меморандумлар Олий таълимни самарали ривожлантиришга ишончли далил ҳисобланади. Ўз навбатида, икки давлатда мавжуд бўлган ОТМлар сони ажабланарли даражада фарқли экани номутаносубликни келтириб чиқарсада, ҳар иккала мамлакатда ҳам бу сон йилда йилга ўсиб бораётгани умумийликни намоён этади.



Корея Республикаси Олий Таълим Муассасалари миқдори (stat.com)

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, сўнгги 10йил кесимида Кореядаги Университетлар сони 199тадан 203тага етган бўлса, Институтлар миқдори 146тадан 127тага камайган. Умумий кўрсаткич бугунги кунда жами 330та Олий таълим муассасасалари фаолият юритаётганини исботлайди. Бу кўрсаткич эса Ўзбекистонда бугунги кунда жами 145тага етган бўлиб, ҳануз бизда Олийгоҳлар миқдори камлигини кўрсатмоқда. Ота-оналарнинг фарзандларининг яхшироқ ўқишларига интилиши туфайли Кореянинг таълим сектори жуда кенгайди. Миқдорнинг кенгайиши мамлакатда саводсизлик даражасини пасайтирди ва таълим ютуқларининг умумий даражасини оширди. Шундай қилиб, таълим миллатни демократлаштиришга, шунингдек, ишчи кучининг сифатини оширишга бевосита ёрдам берди. Бунинг муҳим жихати шундаки, қайси мамлакатда юқори маълумотли фуқаролар миқдори кўп бўлар экан, оша ерда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ўсиш кузатилади. Чунки давлат ривожланиши учун биргина ҳукумат аъзолари эмас балки хусусий секторнинг ҳаракати муҳимроқ эканини бугунги кун иқтисодиётининг мутлақ талабидир. Зеро, ривожланган давлатлар иқтисодиётига, аниқроғи Ялпи Ички Маҳсулот (ЯИМ) га назар соладиган бўлсак, ушбу мамлакатларда иқтисодиётнинг ривожига хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасидан устун туриши бу давлатларда қўл

меҳнатидан кўра, ақлий меҳнат нақадар самарали натижа бераётганига яна бир бор амин бўлиш мумкин. Жумладан, Кореяда ҳам айнан хизмат кўрсатиш соҳасидан келадиган даромад мамлакат ЯИМнинг 55,6% ини ташкил этиши Олий маълумотли инсонларнинг жамиятга ва иқтисодиётга келтираётган фойдасининг яққол исботидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда амалга оширилаётган барча жабҳалардаги ҳамкорликлар Республикамизни нафақат дунёга танитиш, балки юртимизда ҳар томонлама о'сиш, халқ учун керакли шароитни яратиш ва сифатли ҳаёт кечиришни таъминлашдан иборатдир. Дунёнинг 10дан ортиқ давлатлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 25 нафар нуфузли Олийгохларнинг филиалларининг (uz.wikipedia.org) юртимиздаги фаолияти яқин йилларда ўз мевасини беради. Бу миқдорнинг йилдан йилга ошиб бориши эса кишини қувонтиради. Зеро, Ўзбекистон фуқароларининг жаҳон стандартларига мос сифатли таълим олиши, юртимизда нафақат иқтисодий ривожланиш орқали тўкин ҳаёт ташкил этиш, балки шу мамлакат одамларининг маънавий ва ижтимоий жихатдан ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшиши шубҳасиз. Бу борада фақатгина Жанубий Корея билан эмас, бошқа давлатлар билан ҳам (Россия, Ҳиндистон, Италия, АҚШ. Туркия, Белоруссия ва ҳоказо) мунтазам ҳамкорликнинг олиб борилаётгани, юртимизда Олий маълумотлилар сафини кенгайтиришга нақадар юқори аҳамият берилаётгани ва бу орқали иқтисодиёт ривожини учун қанчалик муҳим қадамлар ташланаётганини ҳис этиш мумкин.

Р.Б. Исоқова, С.Н.Саттарова
Самарқанд чет тиллири институти

ТИЛ-МИЛЛАТИМИЗ БИРЛИГИДИР

Аннотация. Мақолада тил ҳақида бир қатор қарор ва жамиятда тилнинг ўрни, аҳамияти кенг ёритилиб берилган

Калит сўзлар: Тил, жаҳон тиллари, тафаккур, фикр, товуш, сўзлашув.

Ҳамманизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

2019-йил 21-октябр куни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганига ўттиз йил тўлади. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустақкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби ҳамда ўтказиладиган оммавий маънавий-маърифий чоратадбирлар дастури тасдиқланди²⁴. Ўзи умуман тил, адабий тил деганда нимани тушунамиз?

Тилнинг пайдо булиши ва ривожланиши жамият тарақиёти билан борликлиги туфайли тил социологлар томонидан ҳам урганилади. Маълумки, жамият тарихий тарақиёти жараёнида содир булган воқеа ва ходиса-лар тилда акс этмай қолмайди. Шунга кура, тарихчилар тил тарихига, тилшунослар эса уз навбатида тарих фанига

²⁴<http://m.xabar.uz/uz/jamiat/prezident-til-bayramini-keng-nishonlash>